



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВИАЦИЯ ҚОИДАЛАРИ  
(48-қисм)**

**Фуқаро ҳаво кемаларининг радиожихозларига сертификатини бериш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**(ЎзР АҚ-48)**

**НОРАСМИЙ ТАРЖИМА**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 1 март 58-сон Қарорига  
4-илова

**Фуқаро ҳаво кемаларининг радиожиҳозларига сертификатини бериш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом фуқаро ҳаво кемаларининг радиожиҳозларига сертификатини бериш тартибини белгилайди (кейинги ўринларда радиожиҳозлар сертификати деб юритилади).

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига киритилган фуқаро ҳаво кемаларига татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аризачи** – радиожиҳозлар сертификатини бериш учун (қайта расмийлаштириш, унинг дубликатини бериш, амал қилишини тугатиш, бекор қилиш) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига (кейинги ўринларда «Ўзавиация» агентлиги деб юритилади) ариза билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**ҳаво кемасининг манзили** – “ҳаво-ер” алоқасини, навигациясини ва кузатувни таъминлаш мақсадларида, фуқаро ҳаво кемасига тайинланган 24-битдан ташкил этган шахсий комбинацияси;

**SELCAL коди** – маълум бир ҳаво кемасини ер усти станцияси билан радиотелефон каналлари орқали боғловчи, фуқаро ҳаво кемасини танлаб чақириш имкониятини таъминловчи, танлаб чақирувчи тизим коди.

4. Ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ шакл ва схемаси бўйича аризачига радиожиҳозлар сертификати берилади.

5. Ҳаво кемасининг эксплуатацияси билан боғлиқ фуқаро авиациясида фаолиятини амалга ошириш учун, ушбу Низомда белгиланган тартибда «Ўзавиация» агентлиги томонидан радиожиҳозлар сертификати берилади.

6. «Ўзавиация» агентлиги директори (директор ўринбосари) ёки «Ўзавиация» агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан радиожиҳозлар сертификати имзоланади ва «Ўзавиация» агентлигининг муҳр билан тасдиқланади.

Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун радиожиҳозлар сертификати инглиз тилидаги таржимасига эга бўлиши лозим.

7. Парвозларни амалга ошириш пайтларида радиожиҳозлар сертификати ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги сертификати бўлмаган ҳолларда ҳаво кемасига парвозларни амалга оширилиши тақиқланади.

8. Радиожиҳозлар сертификати муддатсиз берилади.

## **II. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар**

9. Фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилишда рухсат беришга доир талаблар ва шартларга қуйидагилар киради:

а) конун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

б) эгаси (мулкдори) — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда; эгаси (мулкдори) - жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг етти иш куни давомида «Ўзавиация» агентлигини хабардор қилади;

в) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган учишга яроқлилиги нормаларига фуқаро ҳаво кемасини мувофиқлигини таъминлаш;

г) маълум бир ҳаво кемасига тегишли бўлган чақирув сигналларни, кодлар ва манзилларни ишлатиш, уларни бошқа ҳаво кемасида ҳукукисиз ишлатишга тақиқланади.

## **III. Радиожиҳозлар сертификатини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

10. Радиожиҳозлар сертификатини олиш учун, аризачи «Ўзавиация» агентлигига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича фуқаро ҳаво кемасида ўрнатилган радиосигналларни узатувчи радиожиҳозларнинг бутлиги (комплектлиги) ва сонини, ҳамда радиостанциянинг чақирув сигналларни, фуқаро ҳаво кемасининг SELCAL кодни ва 24-битли манзилини кўрсатиб аризани тақдим этади.

11. «Ўзавиация» агентлиги белгиланган тартибда мустақил равишда радиожиҳозлар сертификатини бериш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни ахборот ҳамкорлиги орқали, шу жумладан электрон ҳужжат шаклида олади.

Аризачидан мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Радиожиҳозлар сертификатини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар аризачи томонидан бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар, аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

13. Ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилинади, ушбу рўйхатда ҳужжатларнинг номи, уларнинг рақами, имзони қуйиш санаси ва варақлар сони кўрсатилади. Қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ҳужжатлар рўйхатининг битта нусхаси зудлик билан аризачига тақдим этилади (юборилади).

14. Ушбу Низомга мувофиқ «Ўзавиация» агентлигига тақдим этиладиган ҳужжатлар, фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш муддат давомида сақланиши лозим.

#### **IV. Аризани кўриб чиқиш ва радиожиҳозлар сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш**

15. Радиожиҳозлар сертификатини бериш тўғрисидаги аризани «Ўзавиация» агентлиги томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

16. «Ўзавиация» агентлиги аризани қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда уни кўриб чиқади, радиожиҳозлар сертификатини беради ёки беришни рад этади.

17. Аризани кўриб чиқиш жараёнида, аризачи арз қилган фуқаро ҳаво кемаси ва жиҳозланган радиожиҳозлар тўғрисидаги маълумотлари тўлиқлигини ва тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганини текширади.

18. Радиожиҳозлар сертификатини бериш учун масъул бўлган «Ўзавиация» агентлигининг мутахассиси, ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳаракатларни ўтказиб бўлганидан кейин, радиожиҳозлар сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради.

19. «Ўзавиация» агентлиги аризачига радиожиҳозлар сертификатини беради (юборади) ёки радиожиҳозлар сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан ошмаган муддатда аризачини ёзма равишда хабардор қилади.

20. Аризачи аризада кўрсатилган фуқаро ҳаво кемасининг радиожиҳозлар тўғрисидаги маълумотлар радиожиҳозлар сертификатига киритилади.

21. Қуйидаги ҳолларда радиожиҳозлар сертификатини бериш аризачига рад этилиши мумкин:

радиожиҳозлар сертификатини бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни аризачи томонидан тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган бўлса;

аризачи рухсат этувчи талаблар ва шартларга мувофиқ бўлмаса;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки ишончсиз маълумотлар мавжуд бўлса.

Радиожиҳозлар сертификатини беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Радиожиҳозлар сертификатини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, ёзма равишда рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва аризачи кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, тақдоран мурожаат қилиши мумкин бўлган муддати кўрсатилиб, аризачи хабардор қилинади. Аризачи рад этиш сабабларини бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳуқуқига эга бўладиган муддат, радиожиҳозлар сертификатини бериш рад этилгани ҳақида ёзма хабарни олинган санадан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

23. Радиожиҳозлар сертификатини беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар аризачи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилганда, «Ўзавиация» агентлиги рад этиш сабаблари бартараф этилгани ҳақидаги ариза ва улар бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни олинган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда ҳужжатларни қайта кўриб чиқади, радиожиҳозлар сертификатини беради ёки уни беришни рад этади.

Аризани қайта кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

24. Аризани қайта кўриб чиқишда «Ўзавиация» агентлиги томонидан рад этиш тўғрисидаги ёзма хабарида аввал қайд этилмаган сабабларни келтиришга йўл кўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари бундан мустасно.

25. Радиожиҳозлар сертификатини беришни рад этиш ҳақидаги ёзма хабарида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг тақдим этилган ариза қайта тақдим этилган деб ҳисобланади ва «Ўзавиация» агентлиги ушбу аризани умумий асосларда кўриб чиқади.

26. Аризачи радиожиҳозлар сертификатини бериш рад этилгани, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

#### **V. Радиожиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш**

27. Радиожиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 21 ва 24 моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

28. Радиожиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш учун, аризачи «Ўзавиация» агентлигига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича аризани ва яроқсиз ҳолга келган тақдирда радиожиҳозлар сертификатининг асл нусхасини тақдим этади.

29. Радиожиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш учун йиғим ундирилмайди.

#### **VI. Радиожиҳозлар сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш**

30. Радиожиҳозлар сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), тугатиш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 22, 23 ва 25 моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

31. Радиожиҳозлар сертификатининг амал қилишини тугатиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган бир марта кўпол равишта бузишларига қуйидагилар киради:

фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш, таъминлаш, ташкил этиш ва авиация ҳалокатига олиб келган парвозларни амалга ошириш қоидаларини бузиш;

ўрнатилган тартибларини бузганлиги билан парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган, фуқаро ҳаво кемасини конструкциясига ўзгартиришлар киритиш.

32. Аризачи томонидан тақдим этилган ариза асосида «Ўзавиация» агентлиги томонидан радиожиҳозлар сертификатининг амал қилишини тугатилиши мумкин, шунингдек, фуқаро ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилган тақдирда.

33. Радиожиҳозлар сертификатининг амал қилишини тугатиш учун, аризачи «Ўзавиация» агентлигига ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича фуқаро ҳаво кемасининг радиожиҳозлар сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида аризани ва радиожиҳозлар сертификатининг асл нусхасини тақдим этади.

## **VII. Радиожиҳозларига берилган сертификатлар реестри**

34. Ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича фуқаро ҳаво кемаларининг радиожиҳозларига берилган сертификатлар реестрини «Ўзавиация» агентлиги юритади.

35. Радиожиҳозларига берилган сертификатлар реестрини электрон шаклда юритишга йўл қўйилади. Қоғоз шаклдаги ёзувлар билан электрон шаклдаги ёзувлар ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлган тақдирда, қоғоз шаклдаги ёзувлар устуворликка эгадир.

36. Радиожиҳозларига берилган сертификатлар реестрда мавжуд бўлган маълумотлар «Ўзавиация» агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади.

## **VIII. Яқунловчи қоида**

37. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Фуқаро ҳаво кемаларининг  
радиожиҳозларига сертификатини бериш  
тартиби тўғрисида низомга  
1-илова

**радиожиҳозлар сертификатини бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Аризачи	Радиожиҳозлар сертификатини олиш учун, ушбу Низомда назарда тутилган талабларига мувофиқ зарур бўлган маълумотларни тайёрлайди. «Ўзавиация» агентлигига аризани бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади.	Аризачининг ихтиёрига қўра
2-босқич	«Ўзавиация» агентлиги	Радиожиҳозлар сертификатини олиш учун аризани ҳужжатлар рўйхат бўйича (икки нусхада) қабул қилади, унинг битта нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига тақдим этади (юборади).	Ҳужжатларни қабул қилинган кунидан бошлаб
3-босқич	«Ўзавиация» агентлиги	1. Радиожиҳозлар сертификатини бериш учун аризани кўриб чиқади. 2. Ижобий хулосаси асосида радиожиҳозлар сертификати аризачига тилхат остида чопар орқали топширади ёки унга почта орқали буюртмали хат билан юборади. 3. Аризачига радиожиҳозлар сертификатини беришни рад этиш тўғрисида, рад этиш учун асос бўлган сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.	1. Аризани қабул қилинган кунидан бошлаб 10 иш куни ичида. 2. Тегишли қарор қабул қилинган кунидан бошлаб 1 иш куни ичида.
4-босқич	«Ўзавиация» агентлиги	Аризачи рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этса, радиожиҳозлар сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш учун ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш	Рад этиш учун асосларни бартараф қилганлиги тўғрисида Аризани ва тасдиқловчи ҳужжатларни қабул қилинган кунидан бошлаб 10 иш куни ичида.

Фуқаро ҳаво кемаларининг  
радиожиҳозларига сертификатини бериш  
тартиби тўғрисида низомга  
2-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT  
VAZIRLIGI HUZURIDAGI  
FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI

“O‘ZAVIATSIYA” AGENTLIGI



CIVIL AVIATION AGENCY  
UNDER THE MINISTRY OF TRANSPORT  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

CAA OF UZBEKISTAN

73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,  
TEL.: + (998-78)-1200063, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: [technique@uzcaa.uz](mailto:technique@uzcaa.uz)

**RADIOJIHOZLAR SERTIFIKATI**  
*RADIO CERTIFICATE*  
СЕРТИФИКАТ НА РАДИООБОРУДОВАНИЕ

№ \_\_\_\_\_

<p><b>Milliy va ro‘yxatga olish belgilari</b></p> <p><i>Nationality and registration marks</i></p> <p>Национальный и регистрационный знаки</p>	<p><b>Havo kemasining ishlab chiqaruvchi tomonidan belgilanishi</b></p> <p><i>Manufacturer's Designation of Aircraft</i></p> <p>Обозначение воздушного судна изготовителем</p>	<p><b>Havo kemasining Seriyali (zavodda berilgan) raqami</b></p> <p><i>Aircraft serial (manufacturer) number</i></p> <p>Серийный (заводской) номер воздушного судна</p>
--	--	---

**Ushbu radiojihozlar Sertifikati yuqorida qayd qilingan havo kemasiga 1944 yil 7 dekabrda Fuqaro aviatsiyasi halqaro tashkiloti Konvensiyasi va Fuqaro havo kemalarining radiojihozlariga sertifikat berish tartibi to‘g‘risidagi Nizomga muvofiq berilgan. Sertifikat havo kemasi uchun ekspluatasiya hujjatlarida ko‘rsatilgan tartib va cheklovlarga muvofiq havo kemasi foidalanishda bo‘lgunga qadar amal qiladi.**

*This radio certificate is issued pursuant to the Convention on International Civil Aviation dated 7th December, 1944, and to the Regulation on the procedure for issuing the radio certificate on the civil aircraft. The certificate is valid until the aircraft is operated in accordance with the procedures and limitations specified in the aircraft operational documentation.*

Настоящий Сертификат на радиооборудование выдан в соответствии с Конвенцией о международной гражданской авиации от 7 декабря 1944 года и Положением о порядке выдачи Сертификата на радиооборудование гражданских воздушных судов. Сертификат действует, пока воздушное судно эксплуатируется в соответствии с процедурами и ограничениями, указанными в эксплуатационной документации на воздушное судно.

<b>Berilgan sana</b>	<b>Kuchga qirish muddati:</b>
<i>Date of issue</i>	<i>Effective from:</i>
Дата выдачи	Вступает в силу с:

M. O' /M.П./stamp

*lavozimi, imzo, F.I.O. / должность, подпись, Ф.И.О. / position, signature, name*



**Havo kemasida o'rnatilgan radiojhozlar**  
*Radio station onboard*  
 Радиооборудование, установленное на воздушном судне

<b>№ п/п</b>	<b>Tizimlar nomi</b> Denomination of systems Наименование систем:	<b>Soni, dona</b> <i>Quantity</i> Количество шт:	<b>Chastotasi</b> <i>Frequency</i> Частота: (MHz)
	чакирув сигнала		

**Havo kemasining chaqiruv signal va kodlari / Codes and calls / Позывные и коды:**

**Telefon uchun / Telephone / Телефонный:**

**Telegraf uchun / Telegraph / Телеграфный:**

**SELCAL kodi / SELCAL code / Код SELCAL:**

**Havo kemasining 24-bit manzili / Aircraft 24-bit address/  
24-битовый адрес:**

---

*(lavozimi, imzo, F.I.O. / должность, подпись, Ф.И.О. / position, signature, name)*

Фуқаро ҳаво кемаларининг  
радиожиҳозларига сертификатини бериш  
тартиби тўғрисида низомга  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги**  
**Фуқаро авиацияси агентлиги**  
**Директорига**

### АРИЗА

\_\_\_\_\_ дан  
(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)

Фуқаро ҳаво кемасининг радиожиҳозларига сертификатини беришингизни

Фуқаро ҳаво кемасининг радиожиҳозларига сертификатини қайта расмийлаштиришингизни

Фуқаро ҳаво кемасининг радиожиҳозларига сертификатининг дубликатини беришингизни

сўрайман.

1. Ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:

Ҳаво кемасининг тури	Миллий ва рўйхатга олиш белгилари	Серияли (заводда берилган) рақами

2. Радиожиҳозлар тўғрисидаги маълумотлар:

№	Тури	Тизимлар номи	Сони, дона	Частотаси (MHz)

3. Ҳаво кемасининг таниш ва чақириш тизимлар маълумотлари:

Радиостанция чақирув сигналлари:		Телефон	Телеграф
	SELCAL коди:		
	Ҳаво кемасининг 24-битли манзили:		

4. Ҳаво кемаси \_\_\_\_\_ УК \_\_\_\_\_ юқорида  
 (Ҳаво кемасининг тури) (Миллий ва рўйхатга олиш  
 белгилари)

кўрсатилган радиожихозлар билан жиҳозланган.

Ушбу Аризада кўрсатилган барча маълумотлар, ишончли ҳисобланади.

**Аризачи тўғрисида маълумот:**

*юридик шахслар учун:*

1. Тўлиқ номи ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатиб: \_\_\_\_\_
2. Жойлашкан жойи (почта индекси) \_\_\_\_\_
3. Телефон рақами / факс рақами \_\_\_\_\_

*жисмоний шахслар учун:*

1. Фамилияси, исми, шарифи \_\_\_\_\_
2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумот \_\_\_\_\_
3. Турар жойи, адреси \_\_\_\_\_
4. Телефон рақами / факс рақами \_\_\_\_\_
5. СТИР \_\_\_\_\_

Аризачи \_\_\_\_\_  
 (лавозими) (имзоси, фамилияси, исми, шарифи)

« \_\_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_\_ й.  
 (санаси) (ой)

5. Радиожихозлар Сертификатини бериш ёки бермаслик тўғрисида “Ўзавиация”  
 агентлиги мутахассисининг ҳулосаси: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (лавозими) \_\_\_\_\_ (имзоси, фамилияси, исми, шарифи)

« \_\_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_\_ й.  
 (санаси) (ой)

Фуқаро ҳаво кемаларининг  
радиожиҳозларига сертификатини бериш  
тартиби тўғрисида низомга  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги**  
**Фуқаро авиацияси агентлиги**  
**Директорига**

Фуқаро ҳаво кемасининг радиожиҳозлар сертификатининг  
амал қилишини тугатиш тўғрисида  
**АРИЗА**

\_\_\_\_\_ дан  
(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)

Ҳаво кемасининг \_\_\_\_\_ УК \_\_\_\_\_ -сонли  
(тури) (миллий ва рўйхатга олиш  
белгилари)

радиожиҳозлар сертификатининг амал қилишини тугатишингизни сўрайман.

Сертификатининг амал қилишини тугатиш сабаби: \_\_\_\_\_

**Аризачи тўғрисида маълумот:**

юридик шахслар учун:

1. Тўлиқ номи ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатиб: \_\_\_\_\_
2. Жойлашган жойи (почта индекси) \_\_\_\_\_
3. Телефон рақами / факс рақами \_\_\_\_\_

жисмоний шахслар учун:

1. Фамилияси, исми, шарифи \_\_\_\_\_
2. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумот \_\_\_\_\_
3. Турар жойи, адреси \_\_\_\_\_
4. Телефон рақами / факс рақами \_\_\_\_\_
5. СТИР \_\_\_\_\_

Аризачи \_\_\_\_\_  
(лавозими) (имзоси, фамилияси, исми, шарифи)

« \_\_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_\_ й.  
(санаси) (ой)

Фуқаро ҳаво кемаларининг  
радиожиҳозларига сертификатини бериш  
тартиби тўғрисида низомга  
5-илова

**Фуқаро ҳаво кемаларининг радиожиҳозларига берилган сертификатлар  
Реестри**

**Чап томони**

Ёзув рақами	Сертификат рақами	Сертификати берилган санаси	Миллий ва рўйхатга олиш белгилари	Ҳаво кемасининг сериали (заводда берилган) рақами	Ҳаво кемасининг тури (модели)	Ҳаво кемасининг тоифаси
1	2	3	4	5	6	7

**Ўнг томони**

Ҳаво кемасининг эксплуатанти (аризачи)	Сертификатини қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш асослари ва санаси	Сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш асослари ва санаси	Бекор қилиш асослари ва санаси
8	9	10	11